

Ҳажнинг вожиблари | Фиқҳ дарслари (352-дарс)



19:00 / 06.11.2025 476

Унинг вожиблари: Муздалифада туриш, Сафо ва Марва орасида саъй қилиш, тош отиш, четдан келганлар учун видо тавофини қилиш ва соч олдириш.

Бундан ҳажнинг вожиб амаллари бешта экани маълум бўлади:

1. Муздалифада туриш.

Арафотдан қайтгандан кейин ҳожи Муздалифада туриши керак. Ҳанафий мазҳабига биноан, ўнинчи Зулҳижжанинг тонги отгандан сўнг бир лаҳза бўлса-да, туриш лозим.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида шундай дейди:

фарзини адо қилибди», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган. Термизий ҳасан, саҳиҳ деган.

2. Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъй қилиш – юриб бориб-келиш.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, бу амал ҳам ҳажнинг вожиб амалларидан ҳисобланади. Бу ибодат тавофдан кейин бажарилади. Икки тепалик орасида етти марта бориб-келинади. Юришни Сафо тепалигидан бошлаш шарт. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда олдин Сафони зикр қилган. Сафодан Марвагача бориш бир саъй саналади, қайтиш яна бир саъй. Шу тариқа еттинчи саъй Марвада тугайди. Икки тепаликнинг ўрталарида яшил чироқлар ўрнатилган иккита яшил устун бор, шуларнинг орасида тезлаб юриш керак.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

﴿عَلِيمٌ شَاكِرٌ اللَّهُ فَإِنَّ خَيْرًا تَطَوَّعَ وَمَنْ بِهِمَا يَطُوفُ أَنْ عَلَيْهِ جُنَاحٌ فَلَا أَعْتَمَرَ أَوْ الْبَيْتَ حَجَّ فَمَنْ اللَّهُ شَعَابِرٍ مِنَ وَالْمَرْوَةَ الصَّغَايِنَ﴾

«Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир. Ким Байтни ҳаж ёки умра қилса, бу иккови ўртасида саъй қилишида унга гуноҳ йўқ. Ким яхшилиқни ўз ихтиёри ила қилса, бас, албатта, Аллоҳ кўп савоб берувчидир, ўта билувчидир» (158-оят).

﴿أَوْعَسَافَ وَيُعَسِّلُ الْمُكِّيَّ لَعَبَتَكَ هَلَلًا نِ﴾: ﴿مَلَسَ وَسَوْ هِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ لَوُوسَ رَلِاقَ
ةَ بَيْتِ شَيْبَةَ نَبَأُ هَاوَرِ﴾

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ сизнинг зиммангизга саъйни ёзди. Бас, саъй қилинг», деганлар».

Ибн Абу Шайба ривоят қилган.

3. Тош отиш.

Биринчи ҳайит куни Ақаба деб номланган жойга тош отилади. Отиладиган тошларнинг сони етти дона бўлади. Тош отадиган вақт ҳайитнинг биринчи куни бомдоддан кейин киради. Қуёш чиқиб, то завол вақти киргунча отса, яхши бўлади, қуёш ботгунча отса ҳам рухсат. Лекин кечаси отса, макруҳ бўлади.

Ҳайитнинг иккинчи куни уч жойда еттитадан тош отилади. Бу куни тош отиш вақти – заволдан то қуёш ботгунча. Учинчи куни ҳам худди шундай. Ҳожи тўртинчи куни ҳам Минода қолса, у куни ҳам шундай қилинади.

Бу амалнинг вожиблиги Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан олинган. Ул зотнинг амаллари ва бир қанча ҳадислари бунга далилдир.

يَلَع يَمْرِي مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ صَبَّ لَيْلِ تَيْ أَرُّ لَوْ قِي هُنَّ عُلَّ لِي لِي ضَرَّ رَجَّ نَع
دَعَبٌ حُجَّ أَلِ يَلَعْلَ يَرْدَأُ أَلِ يَنْ إِي، مُكَّ كَسَانَمِ أُوذُحَاتِلِ؛ لَوْ قِي وَءِ رَحْنَلِ مَوِي هَتَلَحَار
دَمَّحْ أَوْ دَوَادُ وَبْ أَوْ مَلَسْمُ هَاوَر. «هَذِهِ تَجَّحْ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳайит куни уловлари устида туриб тош отаётганларини ва: «Ҳаж ибодатларингизни мендан олишларингиз учун. Мен билмайман, эҳтимол, ушбу ҳажимдан кейин ҳаж қилмасман», деяётганларини кўрдим».

Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

دَعَبٌ أَمْ أَوْ، يَحُضُّ رَحْنَلِ مَوِي يَمْرِي مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ صَبَّ لَيْلِ نَأَكْ: لَأَقُ هُنَّ عُو
ةَسْمُ خَلَّ أَوْ هَاوَر. سَمَّ شَلَّ لَأَوْزَ دَعَبُ فَ، كَلَذ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайит куни тошни чошгоҳ пайтида отдилар. Ундан кейин қуёш заволга кетгандан сўнг».

Бешовлари ривоят қилишган.

هِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ صَبَّ لَيْلِ لَوْ سَرُّ تَيْ أَرُّ: لَأَقُ هُنَّ عُلَّ لِي لِي ضَرَّ رَجَّ نَعْلَلِ دَبَّ عُنْبَ مَادُقُ نَع
أَلِ وَ دَرَطُ أَلِ وَ، بَرَضُ أَلِ، أَبَّ هُ صُ هَلَّ عَقَانِ يَلَعْلَ رَحْنَلِ مَوِي هَبَّ قَعْلَ لَأَوْزَ مَجَّ يَمْرِي مَلَسَ وَ
يَذَمَّرْتَلِ أَوْ يَأْسَنَلِ هَاوَر. كَيْ لَيْلِ كَيْ لِي

Қудамма ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тошни туя устида туриб отаётганларини кўрдим. Уриш ҳам, қувиш ҳам, «нари тур-нари тур» ҳам йўқ».

Насоий ва Термизий ривоят қилишган.

4. Соч олдириш (ёки қисқартириш).

Бу амал ҳайит куни, тош отиб, қурбонликни сўйиб бўлгандан сўнг бажарилади. Сочни олиш қисқартиришдан афзал, чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сочини олдирганларга уч марта, қисқартирганларга бир марта раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилганлар. Сочни қисқартирганда у ер-бу еридан қирқиб қўйиш кифоя қилмайди. Балки олганга ўхшатиб, ҳамма тарафи калталатилади. Уламоларимиз: «Агар соч бармоқнинг бир бўғимидан узун бўлса, бир бўғим қисқартириш, агар бир бўғимдан калта бўлса, сочни олиш вожиб», деганлар. Ва яна: «Агар киши кал бўлса, бошига устара юргизиб қўйиш вожиб», дейишган.

Аллоҳ таоло:

﴿فَرِيبًا فَتَحَا ذَٰلِكَ دُونَ مِّنْ فَجَعَلْ تَعَلَّمُوا لَمْ مَا فَعَلِمْتَ تَخَافُونَ لَا وَمُقَصِّرِينَ رُءُوسَكُمْ مُحَلِّقِينَ ءَامِنِينَ اللَّهُ شَاءَ إِنْ الْحَرَامَ الْمَسْجِدَ لَتَدْخُلَنَّ﴾

«Албатта, Масжидул Ҳаромга, иншааллоҳ, омонликда, сочларингиз олинган, қисқартирилган ҳолда, қўрқмасдан кирасизлар. Бас, У сиз билмаган нарсани билди ва (сизга) бундан бошқа яқин фатҳни қилди», деган (Фатҳ сураси, 27-оят).

﴿مُّهَلَّلًا﴾: لَأَقَمَ لَسَوْوَهُ يَلَعُ هَلَلًا يَلَصُ هَلَلًا لُؤْسَرًا نَأ، أَمْوَنَعُ هَلَلًا يَضَرَّ رَمْعًا نَبَانَعِ
 ﴿مُخْرًا مُهَلَّلًا﴾: لَأَقِ هَلَلًا لُؤْسَرًا يَنْ رِصْقًا مَلَأُو: أُولَاق، ﴿نِي قَلْحًا مَلَأُمُ حَرًا
 ﴿أَوْرَ﴾. ﴿نِي رِصْقًا مَلَأُو﴾: لَأَقِ هَلَلًا لُؤْسَرًا يَنْ رِصْقًا مَلَأُو: أُولَاق، ﴿نِي قَلْحًا مَلَأُ
 ةَثَالثًا﴾

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳим! Соч олдирганларга раҳм қилгин!» дедилар.

«Қисқартирганларга ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди.

«Аллоҳим! Соч олдирганларга раҳм қилгин!» дедилар.

«Қисқартирганларга ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди.

«Қисқартирганларга ҳам», дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

﴿يَلَعُ هَلَلًا يَلَصُ هَلَلًا لُؤْسَرًا يَنْ رِصْقًا مَلَأُو: أُولَاق، هَلَلًا يَضَرَّ رَمْعًا نَبَانَعِ
 أَبَا عَدْمًا، هَلَلًا يَلَصُ هَلَلًا لُؤْسَرًا يَنْ رِصْقًا مَلَأُو: أُولَاق، هَلَلًا يَضَرَّ رَمْعًا نَبَانَعِ
 هَلَلًا يَلَصُ هَلَلًا لُؤْسَرًا يَنْ رِصْقًا مَلَأُو: أُولَاق، هَلَلًا يَضَرَّ رَمْعًا نَبَانَعِ﴾

«Одамларга охирги аҳдлари Байт билан бўлиши амр қилинди. Илло, ҳайз кўрган аёлдан енгиллаштирилди».

Икки шайх ривоят қилишган.

Мана шу ривоятлар асосида видо тавофи вожиб экани ҳақидаги ҳукм олинган.

Ҳайз ёки нифос кўрган аёлга видо тавофи қилиш вожиб бўлмайди. Улар узрли бўлганлари учун видо тавофини қилмай юртларига қайтаверадилар.

Яна бошқа вожиб амаллар ҳам бор. Лекин уларнинг ҳаммаси юқорида саналган асосий вожибларга боғлиқ бўлиб, уларнинг ичидаги амаллар ҳисобланади. Ибодат учун ниҳоятда зарур бўлганидан, бу вожибларни ҳам алоҳида зикр қилишни лозим топдик:

1. Мийқотдан эҳромга кириш;
2. Тавофни таҳорат билан қилиш;
3. Тавофда сатри авратда бўлиш;
4. Тавофни ўнгдан бошлаш, яъни ўнг елкасини Тоифга, чап елкасини Байтуллоҳга қилиб туриб бошлаш;
5. Ҳатиймни қўшиб тавоф қилиш. Ҳатийм асл пойдевордан қолган жой бўлиб, Каъбатуллоҳнинг тарнови тарафдадир. Уни ҳозир маълум баландликда кўтариб, девори устига чироқлар ўрнатиб қўйилган. Асл пойдевор ўша ердан бўлгани учун у ерни ҳам қўшиб тавоф қилинади;
6. Тавофни юриб қилиш (узри борларга бирор нарсага ўтириб тавоф қилишга ҳам рухсат);
7. Тавофни тугатгандан кейин икки ракъат тавоф намози ўқиш;
8. Қирон ва Таматтуъ ҳаж қилганларга қурбонлик қилишдан олдин тош отиш вожиб;
9. Шунингдек, уларга соч олдиришдан олдин қурбонлик қилиш ҳам вожиб;
10. Саъйни Сафодан бошлаш;
11. Арафотда қуёш ботгунча туриш;
12. Ҳар кунги тош отишни иккинчи кунга қолдирмаслик;

13. Тавофни Ҳажарул асваддан бошлаш;
14. Зиёрат тавофини уч кун ҳайит ичида қилиш;
15. Соч олдиришни (ёки қисқартиришни) Ҳарам чега-расида ва уч кун ҳайит ичида адо этиш;
16. Арафа куни шом ва хуфтон намозларини хуфтон вақтида Муздалифада қўшиб ўқиш;
17. Ушбу амаллардан бирортасини қилмаган одам вожибни тарк этган ҳисобланади ва унга бир жонлиқ сўйиш вожиб бўлади;
18. Қирон ёки Таматтуъ ҳаж қилганлар бир ҳаракат билан икки ибодатни адо этганлари шукронасига қурбонлик қилишлари вожибдир. Қурбонлик вақти ҳайит куни Ақабада тош отиб келингандан сўнг бошланади. Ўша куни ва кейинги икки кун қирон ва таматтуъ қурбонликларини сўйиш вақтидир. Макон жиҳатидан эса Минода бўлиши афзал. Ҳарамдан ташқарида қурбонлик қилиш мумкин эмас.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.